

Истиқболли ёшлар келажаги йўлидаги «Камолот» уйлари
(4-бетда ўқинг).

Ўзбекистон суғурта бозори:
2015 йил I чораги якунлари.....9

Лизинг берувчилар, лизинг битимлари ҳамда 2015 йилнинг I чорагидаги лизинг портфели ҳақида маълумот.....10

БАНК АЖБОРОНИНОМАСИ

Банк ходимлари, ишбилармонлар ва тадбиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 25 (996), 2015 йил 11 июнь

www.banknews.uz

Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Жаҳон банкининг ана шу мазмундаги қўшма лойиҳаси биринчи босқичи якунларига бағишланган ҳисобот-тақдимот йиғилиши бўлиб ўтди. Унда йирик саноат корхоналари ҳамда тижорат банкларидан вакиллар иштирок этди.



Маълумки, бугунги кунда дунёнинг барча мамлакатларида табиий ресурслар, шу жумладан, энергиядан самарали фойдаланиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Ўз навбатида, Ўзбекистон ҳам энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган инновацион ечимларни кенг жорий этиш ва энергияни тежайдиган технологияларни ривожлантиришдан манфаатдордир.

Таъкидлаш жоиз, сўнгги

йилларда бу борада ҳукуматимиз томонидан фаол ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг Жаҳон банки билан ҳамкорликдаги «Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш» қўшма лойиҳаси ҳам ушбу йўналишдаги чора-тадбирлардан биридир. Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 июлдаги «Халқ-

аро тараққиёт ассоциацияси иштирокида саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 211-сонли қарори асосида ижро этилиб, унга Жаҳон банки гуруҳи тизимидаги Халқаро тараққиёт ассоциацияси (IDA) томонидан 25 млн. АҚШ доллари миқдоридаги узоқ муддатли имтиёзли кредит ажратилди.

(Давоми 3-бетда).

Ўзаро манфаатли ҳамкорлик

Жорий йилнинг май ойи сўнггида «Асака» банк вакиллари бошқарув раиси бошчилигида Ўзбекистон Республикаси делегацияси таркибида Корея Республикасида ташрифда бўлди.

Мазкур расмий ташриф корейс компаниялари билан музокаралар олиб бориш ва ўзбек-корейс бизнес-форумини ўтказиш доирасида истиқболли инвестицион лойиҳаларни белгилаб олиш мақсадида ташкил этилди.

Ташриф доирасида «Асака» банк билан корейс банклари ўртасида умумий миқдори 695 млн. АҚШ долларига тенг бўлган молиявий ҳужжатлар имзоланди. Хусусан, банк корейс компаниялари иштирокидаги 25 млн. АҚШ долларига тенг инвестицион лойиҳаларни узоқ муддатга молиялаштириш учун «The Export-Import Bank of Korea» билан қўшимча битим тузди. Ушбу битимни имзолаш маросими 2015 йилнинг 22 май куни «The Export-Import Bank of Korea» биносида бўлиб ўтди.



Бундан ташқари, «Асака» банк ва «Korea Exchange Bank» ўртасида 100 млн. АҚШ доллари миқдорида Келишув тузилди. Унда «Асака» банк томонидан муассаса бошқаруви раиси Қ.Арипов, бошқарув раиси ўринбосари О.Норинбоев ҳамда Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта амалиётлари департаменти бошлиғи Б.Аҳадовлар иштирок этди.

Шунингдек, «Асака» банк «The Export-Import Bank of Korea» билан 500 млн. АҚШ доллари миқдорида ҳамда «SMBC» билан Корея Республикасидан товар ва хизматларни етказиб бериш операцияларини амалга оширишга имкон берувчи 70 млн. АҚШ доллари ҳажмида ўзаро ҳамжиҳатлик Меморандумига қўшимча келишув имзолади.

Мазкур маблағлар корейс компаниялари иштирокидаги инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Назира МАВЛОНОВА.

Ночор корхоналарни соғломлаштириш

Бугунги кунда республикамизда 2700 дан ортиқ энгил саноат корхоналари рўйхатга олинган бўлиб, уларда узлуксиз равишда техник ва технологик янгилаш, модернизациялаш лойиҳаларининг амалга оширилаётгани, шунингдек, янги қувватларнинг ишга туширилаётгани муваффақиятлар омили бўлмоқда.

Эътиборли томони, тармоқдаги мазкур устувор вазифалар ижросида тижорат банклари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

Муассаса Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 4053-сонли Фармонида бел-

гиланган вазифалардан келиб чиқиб, ўз негизидаги «NBU Investment» шўъба инвестиция компанияси билан иқтисодий қийинчиликларга дуч келган янги корхоналарнинг активларини самарали бошқариш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, шунингдек, фаолияти тикланган корхоналарни истиқболли инвесторларга сотиш чораларини кўрмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН КУРСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 9 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1933,43	1 Канада доллари	2040,01	1 Норвегия кронаси	319,46	1 евро	2838,91
1 Англия фунт стерлинги	3879,83	1 Хитой юани	409,72	1 Польша злотийси	678,55	10 Жанубий Корея вони	22,64
1 Дания кронаси	378,33	1 Кувайт динари	8398,82	1 Сингапур доллари	1866,80	10 Япония иенаси	202,60
1 БАА дирхами	691,98	1 Россия рубли	45,19	1 СДР	3562,02	*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.	
1 АҚШ доллари	2541,65	1 Украина гривнаси	120,88	1 Туркия лираси	919,49		
1 Миср фунти	333,55	100 Ливан фунти	168,88	1 Швеция кронаси	302,55		
1 Исландия кронаси	19,06	1 Малайзия рингити	674,89	1 Швейцария франки	2700,44		

Айрим хорижий валюталарнинг ўтган ҳафтага солиштирма кўрсаткичи: 1 USD ▲ 2541,65 – (2537,54) | 1 EUR ▲ 2838,91 – (2775,36) | 1 GBP ▼ 3879,83 – (3879,89) | 10 JPY ▼ 202,60 – (204,51)

BANK FAOLIYATI

Ночор корхоналарни соғломлаштириш

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2015 йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, банк балансига қабул қилинган 68 та корхонадан 42 таси янги мулкдорларга сотилди, 26 таси эса, айти пайтда «NBU Investment» компанияси бошқарувида самарали ишлаб турибди.

ТИФ Миллий банки ўз негиздаги ушбу корхоналар (26 таси учун)да ишлаб чиқаришни тиклаш, модернизациялаш, уларни зарур айланма маблағлар билан таъминлаш мақсадида жами 256 млрд. сўм миқдорида маблағ ажратди. Натижада корхоналар тўла қувватга келиб, улар томонидан ўтган даврда 435 млрд. сўмлик (шу жумладан, 2015 йилнинг биринчи чорагида 67 млрд. сўмлик) маҳсулот ишлаб чиқарилди, унинг 52,2 млн. АҚШ долларилек қисми экспортга йўналтирилди.

Ана шундай корхоналардан бири Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган «Billur teks» масъулияти чекланган жамияти бўлиб, у 2012 йилнинг декабрь ойида қайта ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

– Корхонамиз банкрот деб эълон қилинган «Ядем текстиль» қўшма корхонаси мол-мулки негизда ташкил этилган бўлиб, ип-калава, мато ва тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган, – дейди «Billur teks» МЧЖ раҳбари Владимир Ким. – Ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклаш, модернизациялаш ва зарур ай-

АҚШ доллари миқдорида экспорт амалиётларини бажаришга эришдик.

Таъкидлаш жоиз, бу каби паст рентабелли корхоналарни соғломлаштириш ва қўллаб-қувватлаш борасида кўрилатган чоратадбирлар иқтисодиётнинг ташқи таъсирларга нисбатан барқарорлигини таъминлаш имконини бериш билан бир қаторда

иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, экспорт ҳажмлари оширилиши, янги иш ўринлари вужудга келиши

Ўтган даврда 190 дан зиёд иш ўрни яратилиб, 37,7 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга ва 3,2 млн. АҚШ доллари миқдорида экспорт амалиётларини бажаришга эришилди.

ланма маблағлар билан таъминлаш мақсадида корхонамизга ТИФ Миллий банки томонидан 15,7 млрд. сўм миқдорида инвестиция киритилган. Ушбу маблағларга хорижий етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг йигирув, тўқув, бўйаш ва тикиш асбоб-ускуналарини сотиб олиб, ўрнатдик. Натижада ўтган даврда 190 дан зиёд иш ўрни яратиб, 37,7 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ва 3,2 млн.


ушбу шарт-шароит яратиб, шу аснода маҳаллий истеъмол бозорларимизнинг тўқис бўлишига, аҳоли фаровонлигининг ошишига хизмат қилмоқда. Шундай экан, ҳозирги кунда ғоят муҳим бўлган ушбу банкрот корхоналарни соғломлаштириш амалиётлари келгусида ҳам ТИФ Миллий банки фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолаверади.

Наргиз АХМЕДОВА.



Тижорат банкининг якка тартибдаги рейтинг натижаси шарҳи

«Ahbor-Reyting» рейтинг агентлиги «Asia Alliance Bank» акциядорлик-тижорат банкининг «Барқарор» прогнози билан «uzA+» даражасидаги миллий шкала бўйича кредит рейтингини тасдиқлади.



«Ahbor-Reyting» рейтинг агентлиги 2015 йил I чораги якунларига биноан, рейтинг мониторинги натижаларига кўра, «Asia Alliance Bank» АТБнинг «Барқарор» прогнози билан «uzA+» даражасидаги миллий шкала бўйича кредит рейтингини тасдиқлади. «uzA+» рейтинги банкнинг фаолиятида кредит хатарининг ўта куйи даражасини акс эттирувчи унинг кредитга қобилияти ўта юқори даражасини англатади. «uzA+» рейтинги соҳиби бўлган банк кредиторлар, депозиторлар ва инвесторлар олдидаги ўз молиявий мажбуриятларини вақтида ва тўлиқ бажариш учун ўта юқори салоҳиятга эгаллиги билан тавсифланади.

«Asia Alliance Bank» АТБ рейтингини қўллаб-қувватловчи ижобий омиллар банк молиявий

Депозитлар — кредит ресурсларининг асосий манбаи

«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ депозит сиёсатини мақсадли юритишга ҳаракат қилади. Бу, ўз навбатида, банкнинг мижозлари сони, таркиби, таклиф этаётган хизматлари тури ва кўлами, депозит портфели ва унинг муддатлар бўйича шаклланиши, ресурс базаси, ликвидлик ҳолати, шунингдек, муассасанинг банк хизматлари бозоридаги ўрни ва мавқеи юксалиб, миллий ва халқаро рейтинг баҳо-ларига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ ушбу йўналишдаги фаолиятини Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 1438-сонли Қарори асосида олиб бориб, ўзининг капиталлашув даражасини ошириш, хизматларнинг янги турла-

рини самарали бошқариш механизмининг кенг жорий этиб, пассивларни даромадлилик даражаси юқори бўлган активларга мутаносиб равишда жойлаштириш орқали улар самарадорлигини юксалтиришга эришмоқда.

Айти пайтда муассаса ўз диққатини Президентимизнинг 2015 йил 6 майдаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги

депозит ва кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, омонат ва депозитларнинг янги жозибатор турларини жорий қилиш йўли билан аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини банк айланмасига кенг қўламда жалб этиб, ресурс базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларига қаратмоқда.

«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ томонидан амалга оширилган ишлар натижасида жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, банкнинг умумий капитали 382,8 млрд. сўмга (йил бошига нисбатан ўсиш 10,9 млрд. сўм ёки 2,9 фоиз), шундан устав капитали 311,4 млрд. сўмга етказилди.

Банк жами депозитларининг сўнги уч йиллик даврини таҳлил қиладиган бўлсак, ушбу кўрсаткич 2012 йил якунида 353,9 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2014 йилнинг 31 декабрь ҳолатига келиб, 620,9 млрд. сўмга етган (1-диаграмма). 2015 йилнинг биринчи чораги якунида эса, 722,0 млрд. сўмни ташкил этиб, мазкур кўрсаткич йил бошига нисбатан 101,1 млрд. сўм ёки 16,3 фоизга кўпайган (2-диаграмма).

Шу ўринда таъкидлаш ло-

зимки, муассаса депозитлари ҳажмининг йилдан-йилга ортиб бориши мижозларнинг банкка бўлган ишончи юксалаётганидан далолатдир.

Шунингдек, «Қишлоқ қурилиш банк»нинг жорий йил бошига нисбатан юридик шахслардан жалб қилган муддатли депозитлари ҳажми 9,5 млрд. сўмга ёки 10,1 фоизга кўпайган, аҳоли-

га нисбатан улуши 0,29 фоизни ташкил этди.

Шундай қилиб, жорий йилнинг биринчи чорагида банкнинг аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлардан жалб қилган депозитлари ўрнатилган режага мувофиқ, 114,8 фоизга бажарилди.

Қайд этиш жоиз, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ депозит базасининг барқарор ўсишини таъминлаш, жумладан,




дан жалб қилинган муддатли омонатлари ҳажми 326,7 млрд. сўмни ташкил этган ҳолда йил бошига нисбатан 9,2 млрд. сўмга ёки 2,8 фоизга ошган.

Жалб қилинган депозитлар таркибида банк мижозларининг талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварағларидаги қолдиқ 289,9 млрд. сўмни ёки жами мижозларнинг депозитларига нисбатан улуши 40,2 фоизни, муддатли депозитлар қолдиғи 430 млрд. сўмни ёки жами мижозларнинг депозитларига нисбатан улуши 59,6 фоизни, жамғарма депозитлар қолдиғи 2,1 млрд. сўмни ёки жами мижозларнинг депозитлари-

унинг таркибида юридик шахсларнинг депозитлари улушини кўпайтиришга алоҳида эътибор бермоқда. Хусусан, бу борада банк жорий йилда янги «Дифференциал» номли депозит турини жорий қилди. Ҳозирда мазкур хизмат орқали таклиф қилинаётган шарт-шароитлар, жумладан, юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини муддатли депозитларга жалб қилишни бир шартноманинг ўзида қўйилган депозитнинг муддатига қараб поғоналаштирилган фоиз ставкаларини қўллаш тартиби кўплаб мижозларнинг катта қизиқишига сабаб бўлмоқда.

Назира МАВЛОНОВА.



рини жорий этиш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб этиш орқали улар ҳажмини сезиларли даражада ошириш ҳисобига банкнинг ресурс базасини янада мустаҳкамлашга, шунингдек, филиалларда актив ва пассивла-

ПҚ-2344-сонли Қарори талабларига қаратиб, банк тизимининг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини янада ошириш, тижорат шарт-шароитлар яратиш, уларнинг инвестициявий фаолигини рағбатлантириш, халқаро меъёр ва стандартларга мувофиқ, шу жумладан,

ISLOHOTLAR SAMARASI

Маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш йўлида

барқарорлигининг юқори кўрсаткичлари, банк амалий фаоллигининг ўсиши, активлар сифатининг мақбул даражаси, риск-менежмент ва корпоратив бошқарувнинг юқори даражаси ҳисобланади.

2015 йил I чораги якунларига кўра, банк амалий фаоллигининг ўсиши, хусусан, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини кредитлашда, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда унинг иштироки кенгайиши кузатилди. Чунончи, 2015 йил 1 апрель ҳолатига кўра, банк кредит портфели ҳажми ўтган йилнинг 1 апрелидаги ҳажм билан солиштирганда 2 баравардан ортиқ миқдорда ошиб, 446 млрд. сўмни ташкил этди. Ушбу даврда жами активлардаги даромадли активлар салмоғи 41 фоиздан 64 фоизга етди.

Банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида банк капиталлашувини мустаҳкамлаш ва унинг муддатли ресурс базасини, шу жумладан, банкнинг қарз қимматли қоғозларини чиқариш ҳисобига кенгайтиришга доир фаол чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2015 йил I чорагида капитал база 18 млрд. сўмга ошиб, 160 млрд. сўмга етди, бу 2014 йил 1 апрель ҳолатидагига кўра, 52 фоизга кўпдир. Депозит сертификатлари чиқариш ҳисобига жалб этилган маблағлар қолдиги 30 млрд. сўмни ташкил этди. Банк ресурс базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида 100 млрд. сўмлик миқдорда депозит сертификатларининг учинчи чиқарилиши рўйхатдан ўтказилди. Натижада банк капитали ва ликвидлиги адекватлиги кўрсаткичларининг мақбул даражаси таъминланмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида тадбиркорлар, фермерлар, илмий-тадқиқот институтлари мутахассислари, олимлар, уюшган тадқиқотчилар жамоаси ҳамда олий ўқув юртлари ходимлари ўртасида «Ўзбекистон маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш ва жаҳон бозорларида мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган инновацион лойиҳалар» кўрик-танлови эълон қилинди.

Шу муносабат билан пойтахтимизда оммавий ахборот воситалари учун матбуот анжумани ташкил этилиб, унда ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш ва уларнинг жаҳон бозорларига чиқиши рағбатлантириш бу-

гунги кунда долзарб вазибалардан эканлиги қайд этилди.

Тадбирда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолияти хусусида тўхталиниб, иштирокчилар эътиборига ушбу тузилма томонидан

тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар турларини тизимли асосда таҳлил қилиш, уларнинг ташқи бозорларидаги рақобатбардошлик даражасини аниқлаш, бунинг асосида экспортга йўнатирилаётган маҳсулотларнинг жаҳон ва минтақавий бозорлардаги талаб-эҳтиёжга мос келишини таъминлаш мақсадида олиб борилаётган маркетинг-тадқиқот натижалари тақдим этилди.

Таъкидлаш жоиз, мазкур жамғарма томонидан жорий йилнинг январь-апрель ойлари мобайнида 1014 та тадбиркорлик субъектига маҳсулот ва хизматларни экспорт

қилишда ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий томонлама хизмат кўрсатилди. Натижада 360 нафар тадбиркор умумий қиймати 306,5 млн. АҚШ долларига тенг маҳсулот ва хизматларини экспорт қилишга эришди.

Анжуманда танлов шарт-шароитлари маълум қилинди. Унга кўра, танлов маҳаллий ва иккиламчи хомашёларни қайта ишлаш ҳисобига янги турдаги экспортбop маҳсулотларни ишлаб чиқаришга оид бўлиб, у асосан бешта йўналишни қамраб олган. Ҳар бир йўналиш бўйича 3 та ўрин жорий қилинган бўлиб, голиблар Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан рағбатлантирилади.

Танловга ҳужжатлар 2015 йилнинг 1 июнидан 31 июлигача қабул қилинади.

Гулшан ЮСУПОВА.



Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Лойиҳада бевосита қатнашиш учун «Ўзсаноатқурилиш-банк» АТБ, «Асака» ДАТБ ва «Ҳамкорбанк» АТБ жалб қилинди. Улар маҳаллий саноат корхоналари учун энергия самарадорлигини таъминловчи замонавий ускуна ва технологиялар сотиб олишга кўмаклашди.

Тақдимот дастурида дастлаб тадбир иштирокчлари лойиҳанинг биринчи босқичи натижалари билан таништирилди, турли тармоқларда энергия самарадорлигини янада оширишнинг истиқболли йўналишларини кўриб чиқиш ва саноат корхоналарига ресурслардан самарали фойдаланишда кўмаклашиш йўллари муҳокама қилинди.

Лойиҳа асосида кредит олган «Навоий тоғ-кон металлургия комбинати» АЖ, «Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖ ва «Навоийазот» АЖ ҳамда бошқа корхона ва уюшма раҳбарлари ўзларининг ишлаб чиқаришда энергия самарадорлигини оширувчи технологияларни жорий қилиш тажрибалари билан ўртоқлашишди.

Тадбирда, шунингдек, кор-

хоналарда энергия аудитини такомиллаштириш масалалари ҳам муҳокама марказида бўлди. Қатнашувчилар энергия самарадорлиги ва ресурс тежамкорлигининг аҳамияти хусусидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиб, бу борада давлат ва жамоат муассасалари томонидан олиб борилаётган тарғибот ишларининг мазмуни билан танишди.

– «Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш» лойиҳаси шу кунга қадар республика бўйича 145 млн. кВт/с электр энергияси ва 40 млн. куб.м. табиий газ тежалишини таъминлаган бўлиб, ушбу кўрсаткичларни тегишли равишда 550 млн. ва 168 млн.га чиқариш кўзда тутилган, – дейди **лоийҳа координатори Алишер Алимбаев.** – Бугунги кунда лойиҳанинг иккинчи босқичи давом этапти. Бунинг учун 31 та саноат корхонаси фаолиятига тегишли 79 та лойиҳа ишлаб чиқилган. Умумий миқдори 100 млн. АҚШ долларини ташкил этувчи ушбу лойиҳаларни амалга ошириш эса, 2018 йилнинг январь ойигача давом этиши кўзда тутилган.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

Юртимиз минерал хомашё ресурсларига бой

Миллий матбуот марказида «Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ривожланишида минерал хомашё ресурсларининг аҳамияти» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси томонидан ташкил қилинган мазкур тадбирда ҳукуматимиз мустақиллик йилларида минерал хомашёнинг жаҳон бозорида кўплаб йўналишлари бўйича ўз мавқеини мустаҳкамлагани ва ҳозирги кунда республикамизнинг стратегик жиҳатдан муҳим ҳисобланувчи фойдали қазилмалари, нефть ва газ, минерал ўғитлар, ер ости сувлари, қурилиш материаллари бўйича минерал хомашё базаси қониқарли даражада эканлиги таъкидланди.

– Юртимизда кўплаб миқдордаги турли фойдали қазилмалар мавжуд, улардан самарали фойдаланиш бугунги кунда муҳим масалалардан саналади, – дейди **Минерал ресурслар илмий-тадқиқот институти раҳбари Мақсуд Исоқов.** – Бу борада маҳаллий ва хорижий инвесторлар эътиборига кўплаб лойиҳалар тақдим этилмоқда. Хусусан, Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси томонидан инвестицион блоклар ва истиқболли майдонлар доирасида геология-қидирув ишларини олиб боришга оид 200 дан ортиқ таклифлар тайёрланган. Шунингдек, инвесторлар эътиборига 38 та майдон тавсия қилинган. Буларда маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битим, ҳамкорликдаги корхоналарни ташкил қилиш ва бошқа шартлар асосида уран, вольфрам, литий ва бошқа нодир металллар конларини очиш истиқболлари аниқланган.

Республикамиздаги фойдали қазилмалар Давлат баланси маълумотларига кўра, (2015 йилнинг 1 январдаги ҳолати бўйича) Ўзбекистон ҳудудида 1838 та кон очилган, шу

жумладан, 235 та углеводородлар кони, 151 та металл, 5 та кўмир ва ёнувчи сланец, 55 та тоғ-кон маъдани, 28 та тоғ-кон кимё маъдани ва 30 та ярқирама тош хомашёлари, 714 та турли мақсадларда ишлатиладиган қурилиш материаллари ҳамда 620 та чучук ва минерал ер ости сувлари мавжуд.

Анжуманда бугунги кунда мазкур кўмита томонидан фойдали қазилмаларнинг 10 дан ортиқ турлари бўйича геология-қидирув ишлари олиб борилаётгани, ушбу кўрсаткич бундан йигирма йил олдин 3-4 турдан ошмаганлиги қайд этилди.

– Кўмита томонидан республикамизни барча турдаги фойдали қазилмалар бўйича (стратегик турдаги фойдали қазилмалардан ташқари) ўзини-ўзи тўлиқ таъминлашга эришиш мақсадида геология-қидирув ишларини янада кенгайтириш кўзда тутилмоқда, – дейди **М. Исоқов.** – Бунда, ресурс потенциалини ўстиришдан бошлаб, уларни халқ хўжалигида қўллашга бўлган иқтисодий кўрсаткичларнинг роли муҳим саналади. Кейинги йилларда темир, марганец, кўмир, ёнувчи сланецлар, нодир металллар ва камёб ер элементлари, олтин, уран ва бошқа ноанъанавий турдаги конлар бўйича геология-қидирув ишлари анчайин кучайтирилди. Бу мамлакатимизнинг минерал хомашё базасини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Тадбирда, шунингдек, Ўзбекистонда ҳали яхши ўрганилмаган ва саноат томонидан ўзлаштирилмаган фойдали қазилмалар мавжудлиги, улар бўйича геологик, физик-кимёвий, тажриба-технологик ва техник-иқтисодий тадқиқотлар йўлга қўйилаётгани маълум қилинди. Мазкур тадқиқотларнинг камхаржли ва юқори самарали усулларида фойдаланиш ва ёпиқ ҳудудларда излаш ишларини ривожлантириш борасида жаҳондаги илғор технологияларни жорий қилишга устувор вазибалар сифатида қаралаётгани таъкидланди.

Ширин БАЙСЕНОВА.

OBOD MANZILLAR

Ёш оилаларга аталган уйлар

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги Шукур Бурҳонов номидаги маҳалла хонадонлари сони олтинчи тўрттага кўпайди. Бу ерда фойдаланишга топширилган «Камолот» уйларига кўчиб келган оилалар қисқа вақтда маҳалла фахрига айланиб улгурди.



Ахир, давлат мукофотлари билан тақдирланган, нуфузли халқаро танлов ва фестивалларда ғолиб бўлган, илм-фан, маданият, санъат, адабиёт, спорт ва бошқа соҳаларда юқори натижаларни қўлга киритган ёшлар билан маҳалладаш бўлиш кимга фахр ва ғурур бағишламайди дейсиз?!

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдоди ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори мамлакатимизда баркамол авлод келажаги йўлидаги эзгу ишларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

Мазкур қарор асосида тасдиқланган Давлат дастури ва ҳаракат режасига мувофиқ мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, жумладан, Тошкент шаҳрида кўп қаватли «Камолот» уйларини қуриш ва ижтимоий фаол ёш оилаларга имтиёзли кредит эвазига, бошланғич бадалсиз бериш тартиби белгиланган. Бу вазибаларни тизимли амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги «Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим омил бўлмоқда.

Сергели туманида барпо

этилган иккита тўрт қаватли «Камолот» уйи юртимизда ёшларимиз ҳеч нарсдан ҳеч қачон кам бўлмаслиги учун яратилаётган бекиёс имкониятларнинг амалдаги ифодаси бўлди.

Мазкур уйларда ёш оилалар учун яратилган қулайликлар замонавий шаҳарсозлик ва бинокорлик талабларига тўла жавоб беради. Табиий иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда қисқа муддатда бунёд этилган уйлар қурилишида юртимизда ишлаб чиқарилган қурилиш материалларидан фойдаланилгани ҳамда маиший электр техника воситалари билан жиҳозлангани эътиборга лойиқдир.

...Уй тевараги гулзор кичкиннинг баҳри дилини очди. Ҳовлида болалар майдончаси, автомашиналар учун алоҳида тўхташ жойи барпо этилган. Бу ерда болажонларнинг мириқиб ўйнаб-кулиши, оила аъзоларининг сайр қилиши ва дам олиши учун ҳам шароитлар ҳисобга олинган.

Икки ва уч хонали уйларда ҳар бир оиллага алоҳида иситиш тизими ўрнатилган. Йўлаклар кираверишида болалар аравачалари учун маҳсул жойлар қурилган.

– Камтарона хизматларим давлатимиз томонидан юксак баҳоланганидан бошим осмонга етди, бу қувончим бутун умр хотирамда сақланиб қолади, – дейди **Ўзбекистон Фанлар академияси Биорганик кимё институти кичик илмий ходими Зафар Иброҳимов**. – Юртбошимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган оталарча ғамхўрлигига илм-фанда янгидан-янги марраларни забт этган ҳолда муносиб жавоб қайтарамиз.

«Камолот» уйлари ёшларга

Маржонбулоқ шаҳарчасида истиқомат қилувчи Жасурбек ва Мафтуна Юсуповлар оиласи учун 2015 йил омадли келди. Лалмикор саноат ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида ўқитувчи бўлиб ишлаётган ёш оила соҳибларининг меҳнати ва жамоат ишидаги фаоллиги муносиб тақдирланди.

Барча қулайликларга эга замонавий «Камолот» уйининг хонадонларидан бирига эга бўлган ёш оиланинг қувончи чексиз. Ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга муносиб ҳисса қўшиб келатган Мафтуна спортнинг ўзбек жанг санъати ва таэквондо тури бўйича Ўзбекистон чемпиони.

– Давлатимиз раҳбарининг биз, ёшларга кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрлигидан жуда хурсандмиз, – дейди **Мафтуна Юсупова**. – Бу ерда замонавий ҳаёт кечириш, фарзандларни баркамол этиб тарбиялаш учун барча шароит яратилган. Айниқса, ҳовлида болалар майдончаси мавжудлиги ота-оналар учун ҳам, фарзандларимиз учун ҳам қулай.

Жиззах вилоятининг Фаллаорол тумани Маржонбулоқ шаҳарчасида фойдаланишга топширилган «Ка-

молот» уйи эгаларининг қалбида ана шундай шукроналик ва мамнунлик туйғуси жўш урмоқда.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори асосида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, жумладан, Жиззах вилоятида ҳам кўп қаватли «Камолот» уйлари қурилиб, ижтимоий фаол ёш оилаларга имтиёзли кредит эвазига, бошланғич бадалсиз берилмоқда. Бу вазибаларни тизимли амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги «Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим омил бўлаётир.

Маржонбулоқ шаҳарчасидаги 56 хонадондан иборат янги уй «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати тавсиясига кўра фаол ёш оилаларга берилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда вилоят ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, нурунийлар иштирок этди. Янги хонадон соҳибларига уй-рўзғор буюмлари, уларнинг болаларига совғалар берилди.

Мутасаддиларнинг таъкидлашича, вилоятда ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёшларни рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар давом этмоқда. Пахтакор туманида барпо этилаётган 16 хонадондан иборат «Камолот» уйи ҳам яқин кунларда ўз эгаларига топширилади.

Янги уйга янги орзулар билан

Қарши шаҳрида ёш оилалар учун барпо этилган «Камолот» уйи ҳам фойдаланишга топширилди.

Мамлакатимизда ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш шароитларини янада яхшилаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишларни янги босқичда давом эттиришга хизмат қилаётир.

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

2014 йил 8 сентябрдаги «Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида «Камолот» уйлари барпо этилиб, ёш оилаларга берилмоқда, – дейди **Қарши шаҳридаги «Ойдин» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шохиста Бозорова**. – Маҳалламизда бунёд этилган 4 қаватли 64 хонадондан иборат ушбу турар жой бугун ўз эгаларига топширилди. Бундан нафақат ёшларнинг ўзи, балки ота-оналар ҳам беҳад хурсанд. Энг муҳими, бу уйлар ёш оилаларга имтиёзли кредит асосида бошланғич тўловларсиз берилаётгани катта имкониятдир. Бундай эътибор ва ғамхўрлик ёшларимизни янада фаол бўлишга, ўзининг самарали меҳнати билан юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишга ундамоқда.

Янги уй ҳовлисида замонавий талаб-



лар асосида болалар майдончаси барпо этилгани ҳам ёш оилалар учун ўзига хос қулайликдир.

– Халқаро мусобақаларда галабам шарофига Ватанимиз байроғи кўтарилаётганда қандай фахр ва қувончни туйган бўлсам, ҳозир ундан-да кўпроқ ҳаяжондаман, – дейди **самбо бўйича жаҳон чемпиони Соҳиба Эштемирова**. – Меҳнатинг мана шундай юксак қадрланса, яна ҳам кўпроқ ишлагинг, юрт равнақига ҳисса қўшинг келар экан. Бугун барча қулайликлар яратилган замонавий уй эгаси бўлишим Президентимизнинг биз, ёшларга қаратаётган юксак эътибори самараси, деб биламан. Бундай ғамхўрликка жавобан янада юқори марраларни забт этишга ваъда бераман.

Санъат усталари, эстрада хонандалари ва бадий жамоаларнинг чиқишлари тадбирга байрамона кайфият бағишлади.

MINTAQAQLARDAN XABARLAR

Ёш тадбиркорлар учун ўқув-семинар

Андижон давлат университетиди «Диплом билан бизнесга» лойиҳаси доирасида фуқаролик жамиятини шакллантиришда фаол иштирок этадиган янги авлодни тарбиялаш ва ёшларда тадбиркорлик кўникмасини ривожлантиришга бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди.



Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партияси Андижон вилояти кенгаши, ўрта махсус касб-хунар таълими, Марказий банкнинг вилоят бошқармалари ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, экспертлар, банк-молия муассасалари ходимлари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга кенг имкониятлар яратишда муҳим омил бўлмоқда.

Ёш тадбиркорларнинг «Диплом билан бизнесга» лойиҳасига қизиқиши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, жорий йилда лойиҳанинг туман ва шаҳар босқичларида 3 мингдан зиёд битирувчи ўз бизнес-лоийиҳаси билан қатнашди. Тегишли комиссияларнинг хулосасига кўра, 160 иштирокчи 260 лойиҳа билан вилоят босқичида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Ана шу ёшларнинг тадбиркорлик борасидаги билими, тушунча ва маънасини ошириш, уларга тадбиркорлик субъектини ташкил

этиш, кредит олиш, солиқ тўловлари бўйича маълумот бериш мақсадида вилоятдаги қатор коллежларда «Ёш тадбиркор ва фермерлар – келажакимиз таянчи», «Тадбиркорлик ва фермерлик ривож-и – барқарор иқтисодиёт гарови», «Ёш тадбиркорларга кенг йўл» каби мавзуларда ёш тадбиркорлар форуми ўтказилди.

– Ушбу лойиҳа доирасида муайян ишлар амалга оширилмоқда, – дейди **Ўзбекистон Либерал демократик партияси Андижон вилояти кенгаши ёшлар билан ишлаш бўлими раҳбари Ойбек Абдухамидов**. – Ўтган йили лойиҳанинг вилоят босқичида ўз бизнес-лоийиҳаси билан муваффақиятли иштирок этган 200 дан зиёд битирувчи турли банклар томонидан қарийб 1,5 млрд. сўм миқдориди имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Натижада кўплаб янги иш ўринлари яратилди.

Тадбир доирасида ёш тадбиркорларнинг бизнес-лоийиҳалари тақдироти бўлиб ўтди. Банклар томонидан 160 лойиҳа эгасига кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

– Интенсив усулда балиқчиликни ривожлантириш бўйича тайёрлаган лойиҳам мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганидан хурсандман, – дейди **Олтинкўл иқтисодиёт коллежи битирувчиси Сарварбек Жумабобоев**. – «Агробанк» АТБнинг туман бўлимида 5 млн. 900 минг сўм миқдориди имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлдим. Бу, албатта, ўз бизнесимни йўлга қўйишга катта ёрдам беради.

Банклар — тадбиркорлар таянчи

Сирдарё вилояти Гулистон туманида яшовчи ёш тадбиркор Ҳабибулло Жиянбоев ҳозир 20 ёшда. У тадбиркорлик фаолиятини коллежни тугатиши билан «Асака» банкнинг туман филиалидан олинган кредити эвазига бошлади.

– Чорвачилик билан шуғулланиб, туманимиз бозорларини гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлашга ҳисса қўшяпмиз. Маҳсулотларимиз харидорларга манзур бўлаётганидан мамнунмиз, – дейди **Ҳ.Жиянбоев**. – Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириш, шу орқали янги иш ўринларини ташкил этиш режамиз бор. Бунда, албатта, банкдан олинган кредит маблағлари бизга қўл келади.

«Туркистон-пресс» НАА.

Ишлаб чиқарувчилар фаолияти кенгаймоқда

Фаргона вилоятида саноат, сервис ва қишлоқ хўжалиги йўналишларида 3 минг 825 истиқболли лойиҳа амалга оширилмоқда. Бунинг самарасида 805 млрд. сўмликдан зиёд инвестиция ўзлаштирилиб, 23 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилади.

Президентимиз раҳнамолигида иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, таркибий ўзгаришларни янада кенгайтириш ва шу орқали макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган мақсадли дастурлар ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг ижросини тўлиқ таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Жорий йилнинг биринчи чорагида 460 истиқболли лойиҳа амалга оширилди, – дейди **Фаргона вилояти иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Шухратжон Тожиҳақимов**.

– Тижорат банклари томонидан 93 лойиҳа ташаббускорларига 14,3 млрд. сўм кредит маблағи ажратилди. Албатта, бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор муҳим ўрин тутди. Чунки иқтисодиётимиз тараққиётида мазкур соҳанинг салмоғи тобора ортиб бормоқда. Ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш бўйича Фаргона нефтни қайта ишлаш заводида асфальт-бетон, лок-бўёқ маҳсулотлари, «Кварц» акциядорлик

жамиятида полиэтилен плёнка ва ўтга чидамли гишт, «Қўқонспирт» акциядорлик жамиятида ип, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватларининг ишга тушиши иқтисодий самарадорликка хизмат қилмоқда. Шунингдек, Маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар сифатли ва қафолатли маҳсулот тайёрлаш имконини бераётир.

«Қўқон механика заводи» очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилаётган эътибор самарасида импорт ўрнини босувчи бир неча турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Нефть-газ соҳасига бутловчи қисмлар тайёрловчи корхонада ўрнатилган хориж технологияларини ёш мутахассислар муваффақиятли бошқармоқда. Бу ерга ўрнатилган асбобу-ускуналарнинг аксарияти нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Масалан, қозон пайвандлаш цехида Германия технологияси асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар

ўзининг сифати ва дизайни билан харидорларга манзур бўлмоқда.

– Ҳозир ўзимизда ишлаб чиқарилаётган муқобил иситиш қозонлари, юқори босимга чидамли газ сифими идишлари, газ баллонлари илгари хориждан келтирилган эди, – дейди **«Қўқон механика заводи» очик акциядорлик жамияти корхонаси директори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Шарифжон Йўлдошев**. – Маҳаллийлаштириш дастури доирасида нефть ва газ саноати корхоналари учун бутловчи қисмлар, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 20 млрд. сўмликдан ортиқ тайёр маҳсулот харидорларга етказиб берилди.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириш вилоятимиз саноат салоҳиятини юксалтиришнинг энг муҳим омилдир. Бу корхоналар фаолиятини замонавий мезонлар асосида такомиллаштиришда жуда қўл келади.

Корхона салоҳиятини юксалтириб

Навоий шаҳридаги «Триумф горняк» масъулияти чекланган жамияти қошидаги «Mirtex» тикувчилик мажмуасида 18 турдаги маҳсулот тайёрланмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида изчил амалга оширилаётган ишхотлар самарасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиётдаги ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

– Замонавий тикув дастгоҳлари билан жиҳозланган мажмуада маҳсулот сифатига алоҳида эътибор қаратилаётир, – дейди **«Mirtex» тикувчилик мажмуаси бошлиғи Олима Бобоқулова**. – Айни пайтда болалар, эркаклар ва аёллар кийимлари тайёрланаётган корхонамизда 60 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Фаолиятимизни йўлга қўйишда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг Навоий филиалидан олинган 159 млн. сўмлик кредит маблағи жуда қўл келди, 115 дон тикувчилик жиҳозлари харид қилдик.

Корхонада буюртма асосида маҳсул кийимлар ҳамда мактаб формалари ҳам тикилмоқда. Тикувчиларнинг аксарияти коллежни битирган ёшлардир. Жорий йил бошида иш бошлаган тикувчилик мажмуасида йил якунига қадар ишчилар сонини 100 нафарга етказиш режалаштирилмоқда. Хусусан, жорий йил касб-хунар коллежларини тамомлаётган 7 на-



фар қиз билан уч томонлама шартнома имзоланди.

– Харидор талабига мос маҳсулот тайёрлаш бозор рақобатининг асосий шартини бўлгани боис, янгича услуб ва дизайндан фойдаланишга эътибор қаратмоқдамиз, – дейди **тикувчи Нилуфар Файзуллаева**. – 2014 йилда Навоий маданият ва санъат коллежининг дизайнерлик йўналишини тамомлаб, шу ерга ишга қабул қилиндим. Бу ерда ёшларнинг самарали меҳнат қилиши учун барча шaroит мавжуд.

Жорий йилда корхона маҳсулотларини экспортга чиқариш режалаштирилган.

IQTISODIYOT TARMOQLARIDA

Аҳолини узлуксиз истеъмол маҳсулотлари билан таъминлаш йўлида

Миллий матбуот марказида «Ўзлугуржисавдоинвест» уюшмаси тизимидаги корхоналар томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экиш, мевали боғларни барпо этиш, захирасини яратиш, уларни сақлаш учун совуткичли сифимларни қуриш ва «супермаркет» типидagi дўконларни ташкил этиш борасидаги устувор вазифалар» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.



«Ўзлугуржисавдоинвест» улгуржи савдо корхоналари уюшмаси Президентимизнинг 2006 йил 23 февралдаги «Улгуржи ва чакана савдони либераллаштириш ҳамда уни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2006 йил 6 мартда қабул қилинган «Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори асосида ҳудудий улгуржи савдо базалари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида ташкил этилган.

Уюшма етиштирилган маҳаллий озиқ-овқат, айниқса, янги мева-сабзавот маҳсулотларини улгуржи харид қилиш, сақлаш ва аҳолини ушбу маҳсулотлар билан барқарор таъминлаш мақсадида ўз олдига қўйган вазифаларни бажармоқда. Бундан ташқари, уюшма зиммасида ички истеъмол бозорига, хусусан, қишлоқ жойлардаги олис ва етиб бориш қийин бўлган ҳудудлардаги чакана, савдо тармоғини ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарлари билан узлуксиз таъминлаб туриш чора-тадбирларини ҳам амалга оширмоқда.

Ҳозирда «Уюшма тизимида ўзаро ҳамкорлик ва томонларнинг мажбуриятлари тўғрисида»ги келишув шартномаси асосида 57 та улгуржи савдо база ва корхоналар фаолият юритаяпти. Улгуржи харид қилинган маҳсулотларни сақлаш учун тизимдаги корхоналарда 116 минг кв.м. совутилмайдиган ва 60 минг тонналик совутилмайдиган омборхоналар мавжуд.

Озиқ-овқат, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, улгуржи савдо корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш объектларини барпо этиш дастурларини амалга ошириш жараёнида 2014 йил мобайнида 650 та иш ўрни таш-

кил этилган бўлса, жорий йилда 750 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

– Бугунги анжуманда асосий эътибор аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, арзон ва сифатли маҳсулотлар етказиб беришга қаратилган, – дейди «Ўзлугуржисавдоинвест» уюшмаси Озиқ-овқат маҳсулотлари бошқармаси бошлиғи Неъматжон Аҳмаджонов. – Уюшма тизимида бу ишларга катта эътибор қаратилмоқда, бундан ташқари, етиштирилган маҳсулотларни совуткичли тизимларда сақлаш, кузқиш мавсумида тайёрлаб уни май ойларига қадар аҳолига мақбул нархларда етказиб бериш устида ҳам иш олиб бораёلمиз. 2011-2014 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда янги қурилиш, реконструкция ва модернизациялаш ҳисобига 51 540 тонналик замонавий совуткичли сифимлар ишга туширилди. Бунинг учун базаларнинг ўз маблағи ва банк кредити ҳисобидан 40 млрд. сўм маблағ сарфланди. Жорий йилнинг сентябрига қадар 16,5 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун захира омборларини яратиш режа қилинган. Бу каби иншоотларни барпо этишда 50-60 фоизгача молиявий маблағлар республика тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан таъминланади. Керакли жиҳозларнинг катта қисми республикамизнинг ўзида ишлаб чиқарилаётгани бизга енгиллик яратади.

Уюшма тизимида кичик фирма дўконлари билан бир қаторда йирик «супермаркет» типидagi дўконларни ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2014 йилда Термиз шаҳри, Денов ва Зомин туманларининг ҳар бирида супермаркетлар ишга туширилди. 2015 йилда ҳам бу каби истиқболли ишларга қўл урилиши режалаштирилган.

Ёрқин ОЧИЛОВ.

Тадбиркорга кенг имкониятлар

«Ўзкўргазмасавдо» марказида Тошкент шаҳар ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси бошланди.

Унда электротехника, металлургия, машинасозлик, қурилиш материаллари, дори-дармон, тиббиёт, енгил саноат, чармпойабзал, кимё, мебель, чинни, босма маҳсулотлар ишлаб чиқариш тармоқлари ва бошқа корхоналар иштирок этмоқда. Корхоналар стендларида пойтахтимиз саноати салоҳияти, хусусан, маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўзлаштирилган маҳсулотлар, илғор инновацион технологиялар асосида ишлаб чиқарилган товарлар ҳамда халқ истеъмоли моллари намойиш этилмоқда.

– Корхонамизда тиббиёт ускуналари ва мебелларининг кўплаб тури тайёрланади, – дейди Чилонзор туманидаги «Med ros techno line» корхонаси менежери Бекзод Марасулов. – Жорий йилдан кексалар ва ногиронлар учун йиғиладиган ва ўзи бошқариладиган аравачалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан бундай ускуналарнинг нархлари арзонлаштирилди. Мазкур ярмаркада тиббиёт бирлашмалари билан 500 млн. сўмлик шартнома имзоладик.

Анъанавий тармоқ саноат ярмаркалари ва кооперация биржалари иқтисодиётимизни янада жадал ва барқарор ривожлантириш, унинг ташқи омилларга боғлиқлигини камайтириш, ишлаб чиқариш жараёнига замонавий ва самарали технологияларни жорий қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 13 март-

даги «2015 йилда Халқаро саноат ярмарка ва Кооперация биржасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тошкент шаҳрида 10,5 мингдан зиёд ишлаб чиқариш корхонаси мавжуд бўлиб, уларнинг ушбу тадбирларга бўлган қизиқиши тобора ортмоқда. Ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида 250 саноат корхонаси иштирок этмоқда. Бу ўтган йилга нисбатан 1,1 марта кўп демақдир.

– Корхонамиз матбаа хизматлари кўрсатишга ихтисослашган, – дейди «Қувончбек Машҳура» масъулияти чекланган жамияти вакили Алишер Аронов. – Ранг-баранг этикеткалар, маҳсулотлар

корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми 14 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, бунда ҳудудий корхоналар улуши 60 фоиздан ошди. Саноат ишлаб чиқаришининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши шаҳар бўйича 21,8 фоизни ташкил этди.

– Ўтган йили ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси доирасида 40,3 млрд. сўмлик ички шартномалар имзоланган, – дейди Тошкент шаҳар ҳокимлиги иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Саидали Насриддинов. – Бундан ташқари, иштирокчилар ўз маҳсулотларини экспортга сотиш учун 51,5 млн. долларлик келишувларга эришган эди. Жорий йилда 50 млрд. сўмлик ички ва 55 млн. долларлик экспорт шартномалари имзоланиши кутилмоқда. Бу жараёнда кичик корхоналарнинг «Ўзавтосаноат»,



учун қадоқлаш қутилари, блокнотлар, каталоглар, буклет, календарь ва зарли ёзувлар шулар сирасидандир. 2014 йилги ярмаркада Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги ташкилотлар билан 480 млн. сўмлик шартнома тузган эдик. Бу йил мўлжалимиз янада юқори.

2014 йил якунларига кўра, пойтахтимиздаги

«Ўзбекчармпойабзали», «Ўзфармсаноат» каби йирик корхоналар билан кооперация алоқалари ҳам кенгайиб бормоқда.

Ярмарка доирасида ҳудудий саноат корхоналари, ташқи саноат компаниялари, Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси ва бошқа ташкилотларнинг тақдимотлари ҳам ўтказилади.

Ў.А.

ЭЪЛОН

ХАЛҚАРО БАҲОЛОВЧИ ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги ПҚ-2340-сонли «Иқтисодиётда хусусий мулкчиликни улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини 1-иловасига мувофиқ, устав фондидagi давлат ва хўжалик органлари улушларини халқаро баҳоловчи ташкилотлар томонидан баҳоланиб, стратегик хорижий инвесторларга реализация қилиниши кўзда тутилган акциядорлик жамиятларининг рўйхати тасдиқланганини маълум қилади.

Агар, Сизнинг халқаро баҳоловчи ташкилотингиз баҳолаш ишларини амалга ошириш хоҳишини билдирса, у ҳолда икки ҳафта муддатда ушбу объектларни баҳолаш ишларини амалга ошириш бўйича ўз тақлифларингизни ҳамда ташкилотингиз тўғрисидаги маълумотларни Давлат рақобат кўмитасига юборишингизни сўраймиз.

Изоҳ: баҳолаш ишларини амалга ошириш хоҳишини билдирган ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига риоя этиши ҳамда белгиланган тартибда баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлишлари керак.


Бизнинг манзил:

100003, Тошкент ш, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55.

e-mail: info@gki.uz

тел.: (+998 71) 239-44-46, Факс: (+998 71) 239-47-84

QONUNCHILIKDAGI YANGILIKLAR



Янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тақдим этамиз

Электрон тижоратнинг янги қоидалари

2015 йил 22 майдаги ЎРҚ-385-сонли Қонун билан «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонуннинг (2004 йил 29 апрелдаги 613-II-сон) янги таҳрири тасдиқланди. Қонуннинг янги таҳрири билан белгиланишича, ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тузиладиган шартномага (бундан буён матнда электрон тижоратдаги шартнома деб юритилади) мувофиқ амалга ошириладиган товарлар (ишлар, хизматлар) олди-сотдиси электрон тижоратдир.

Электрон тижоратда товарларни (ишларни, хизматларни) сотувчи ёки уларнинг харидори бўлган юридик ёки жисмоний шахс электрон тижорат иштирокчиси ҳисобланади.

Электрон тижоратда товарларни (ишларни, хизматларни) сотувчи юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор ҳисобланади.

Электрон тижоратда иштирок этиш, агар қонунда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, унинг иштирокчисига нисбатан ахборот тизимларидан фойдаланмасдан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятига нисбатан кўшимча талаблар ёки чекловлар белгиланиши учун асос бўла олмайди.

Электрон тижоратдаги электрон ҳужжатлар, шунингдек, электрон шаклда қайд этилган, юборувчисини идентификация қилиш имкониятини берадиган ахборот (электрон хабарлар) ўз қўли билан имзоланган қоғоздаги ҳужжатларга тенглаштирилади ва улардан битимлар тузилганлигининг далили сифатида фойдаланилиши мумкин.

Электрон тижоратдаги шартнома фақат ахборот тизимларидан фойдаланилган ҳолда тузилганлигига асосланиб ҳақиқий эмас деб топиллиши мумкин эмас.

Электрон тижоратдаги шартнома шартлари қонун ҳужжатлари талабларига му-

вофиқ бўлиши керак. Электрон тижоратдаги шартнома унга ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурсида жойлаштирилган электрон ҳужжатга ҳавола қилиш йўли билан киритиладиган алоҳида шартларни ўз ичига олиши мумкин. Бу ҳолда электрон ҳужжатни жойлаштирган электрон тижорат иштирокчиси қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган муддат мобайнида ундан эркин фойдаланиш имкониятини таъминлаши, бу муддат ўтганидан кейин эса мазкур электрон ҳужжатнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда сақланишини таъминлаши шарт.

Электрон тижоратда оферта электрон ҳужжат тарзида тузилади. Қонун билан оферта ўз ичига оладиган маълумотлар рўйхати белгиланган.

Электрон тижорат иштирокчисининг оферта қабул қилинганлиги тўғрисидаги жавоби (акцепт) электрон ҳужжат ёки электрон хабар тарзида ёхуд офертада кўрсатилган шартларни бажариш бўйича ҳаракатларни содир этиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Электрон тижоратдаги шартнома офертани юборган электрон тижорат иштирокчиси томонидан офертанинг акцепти олинган пайдан эътиборан тузилган деб эътироф этилади.

Электрон тижоратдаги шартномани бажариш билан боғлиқ ҳужжатлар электрон ҳужжат тарзида ёки қоғозда расмийлаштирилиши мумкин.

Қонуннинг янги таҳрири билан шунингдек, электрон тижорат иштирокчисининг, жумладан, ахборот воситачиси ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланди.

Шунга эътибор қаратиш лозимки, электрон тижоратда электрон ҳужжатлар ва электрон хабарлар айланиши билан боғлиқ хизматлар кўрсатувчи юридик шахс ахборот воситачисидир.

Бундан ташқари, қонун билан ахборотлар хавфсизлигини ва электрон тижорат иштирокчиларининг шахсга доир маълумотлари муҳофазаси қилинишини таъминлаш бўйича нормалар жорий қилинди. Агар тарафларнинг келишувида ва (ёки) қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, электрон тижоратда шахсга доир маълумотлардан шартнома мақсадидан ўзга мақсадларда фойдаланиш ҳамда уларни учинчи шахсларга бериш тақиқланади. Шунингдек, шахсга доир маълумотлардан офертани ва (ёки) рекламани тарқатиш, шу жумладан, электрон ҳужжатларни ёки электрон хабарларни оммавий тарзда юбориш орқали тарқатиш учун ушбу маълумотлар эгасининг розилигисиз фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Нотариуслар стажёрлари учун имтиҳон қоидаларига ўзгартиришлар киритилди

Адлия вазирининг буйруғи (Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 14 майда 2149-5-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва кўшимчалар киритилди.

Аниқлаштирилишича, стажировка етарли иш шароитига (компьютер воситалари, иш жойи ва шу кабилар) эга бўлган давлат нотариал идорасида ўтказилади. Стажёрликка қабул қилишда нотариат соҳасидаги иш стаж ва тажрибаси муҳим аҳамият касб этади.

Белгиланишича, стажёр ишга қабул қилингандан кейин 6 ой ўтгандан сўнг у Адлия вазирлигида синовда стажёрнинг сиёсий-ҳуқуқий, фуқаролик ва нотариат соҳасидаги умумий билим даражасига баҳо берилади. Синов якуни бўйича тегишли адлия бошқармасига стажёр стажировкани давом эттиришга лойиқ ёки нолойиқлиги ҳақида хулоса юборилади. Синов комиссияси таклифига кўра, стажировкани давом эттиришга лойиқ деб топилган стажёрлар кейинчалик яна бир марта синовга чақирилиши мумкин. Агар стажёр стажировкани давом эттиришга нолойиқ деб топилса, хулосада стажировка раҳбарига нисбатан тегишли чоралар кўриш ҳақида таклиф назарда тутилиши мумкин.

Энди адлия бошқармасига Адлия вазирлигида ташкил этилган синов комиссиясининг стажёрни стажировкани давом эттиришга нолойиқлиги ҳақида хулоса келиб тушганда, стажёр билан меҳнат шартномаси (контракт) тўхтатилиши мумкин.

Адлия вазирлигида имтиҳонлар жорий қилиниши билан адлия бошқармасининг махсус комиссияси синовидан ўтиш даври ва тартиби ўзгартирилди. Стажёрнинг нотариатга таллуқли назарий билимларни ўзлаштириш даражаси ва амалий тайёргарлигини назорат қилиш мақсадида махсус комиссия томонидан:

стажировка ўташ муддатининг биринчи йили якуни бўйича Фуқаролик кодекси ва нотариат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

нормалари (илгари I ярим йиллик учун – Фуқаролик кодекси нормалари бўйича, II ярим йиллик учун – нотариат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари бўйича синовдан ўтказилар эди);

стажировка ўташ муддатининг иккинчи йили биринчи ярим йиллиги якуни бўйича нотариал тасдиқланадиган ёки шаҳодатланадиган ҳужжатлар лойиҳаларини тузиш бўйича синовдан ўтказилади.

Стажёрлар (судьялик лавозимида камида 5 йил ишлаган ёхуд нотариал фаолиятга раҳбарликни амалга оширувчи ва ушбу фаолиятни назорат қилувчи лавозимларда камида 3 йил ишлаган шахслар) учун стажировкадан ўтиш муддати 1 йилни ташкил этади, улар I ва III чораклар якунларига кўра (илгари – ҳар бир чорак якунида) кўрсатилган саволлар бўйича синовдан ўтадилар.

Буйруқ «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 2015 йил 18 майдаги 19 (674)-сонидан расман эълон қилинган кундан кучга кирди.

Эслатиб ўтамизки, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида 1 йиллик иш стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси стажёр бўлиши мумкин. Бунда стажёрнинг стажировканинг тугаш муддатида 25 ёшдан кичик бўлмаслиги инобатга олиниши лозим.

Стажёрни ишга қабул қилишда қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

- ариза;
- белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
- паспорт нусхаси;
- таржимаи ҳол;
- олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- меҳнат дафтарчаси;
- аввалги иш жойидан тавсифнома.

Рецептсиз сотиладиган дори воситалари рўйхати қисқартирилди

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи (Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 11 майда 2671-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Шифокор рецептсиз сотиладиган дори воситаларининг рўйхати тасдиқланди. Илгари амал қилган Рўйхат (Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 29 июлда 2494-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ўз кучини йўқотган деб эътироф этилди.

Янги Рўйхат 912 номдаги дори воситаларини ўз ичига олади (илгари Рўйхатда 1 378 номдаги дори воситалари бўлган).

Илгаригидек, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган ва дорихоналардан шифокор рецептсиз бериладиган дори воситаларига ушбу рўйхатга киритилган дори воситаларининг худди шу таркибда-

ги таъсир қилувчи моддалари ва дори шаклига, дозасига эга бўлган дори воситалари ҳам киради.

Бундан ташқари, дори воситаларининг ўрамлари, қўллаш бўйича йўриқномалари, илова-варақаларида кўрсатилган дори воситаларини беришда бериш тартибидан қатъи назар, ушбу Рўйхатга амал қилиниши керак.

SUG'URTA BOZORI

Кексалар учун янги суғурта маҳсулоти

«Ўзбекивест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси «Кексаларни эъзозлаш йили» муносабати билан янги «Эътибор» номли суғурта маҳсулотини ишлаб чиқди.

Яқинда мазкур хизмат тақдими Тошкент шаҳар ҳокимлигида ташкил этилиб, унда Тошкент шаҳридаги маҳаллалар фаоллари, «Нуроний» жамғармаси ва «Камолот» ЁИХ ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидлаш керакки, «Ўзбекивест» ЭИМСК «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурига кўра, алоҳида чора-тадбирлар режасига эга бўлиб, унга мувофиқ турли тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, кекса ёшдаги кишиларни бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш учун амалга киритган «Эътибор» номли маҳсулоти ҳам шулар жумласидандир.

Ушбу суғурта тури бўйича миждоз ўзи ёки яқин қариндоши – эри (хотини), ота-онаси, ака-ука, опа-сингисининг ҳаёти ва соғлиғини суғурта қилиши мумкин. Бунда аёллар 55 ёки ундан катта, эркеклар эса, 60 ёки ундан катта ёшда бўлиши инobatга олинади.

Компания томонидан тақдим этилган тарифларга мувофиқ, миждознинг ўз хоҳишига кўра суғурта суммаси танланади. Суғурта ҳодисаси юз бер-



ганда шартнома тузилган шахсга бадал тўланади. Таъкидлаш жоизки, агар суғурта қилинган шахс бахтсиз ҳодиса оқибатида шошилиш даволаш стационарига жойлаштирилса, компания 10 кунгача стационардаги ҳар бир кун учун суғурта мажбуриятдан 3 фоиз миқдорда харажатларни қоплаб беради.

«Эътибор» суғурта маҳсулоти кекса ёшдаги кишилар учун махсус чегирмаларни инobatга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Мисол учун, миждоз 30 минг сўм миқдорда суғурта полисини сотиб олса, муассаса суғурта ҳодисаси юз берганда 1 млн. сўм тўла бериш мажбуриятини олади.

Суғурта шартномаси муддати 1 йилгача амал қилади.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

Суғурта бозорининг таҳлилига бағишланган форум

Пойтахтимизда суғурталаш ва қайта суғурталаш бўйича VIII Тошкент халқаро форуми бўлиб ўтди.

Унда халқаро молия институтлари, суғурта, лизинг, аудиторлик ва инвестиция компаниялари, рейтинг агентликлари, вазирлик ҳамда идоралар, жамоат ташкилотларининг 200 нафардан ортиқ вакили иштирок этди.

Форумнинг очилишида суғурта соҳасида қонунчилик базасининг такомиллаштирилиб, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шароитлар яратилаётгани, инвестициялар ҳажми ошаётгани ва аҳоли фаровонлигининг юксалаётгани мамлакатимиз суғурта бозорини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатаётгани таъкидланди.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда республикамиз суғурта бозорини барқарор ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Хусусан, 2014 йилда мамлакатимиздаги суғурта ташкилотлари томонидан умумий қиймати 440 млрд. сўмдан ортиқ суғурта мукофотлари йиғилган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида ушбу кўрсаткич 134,1 млрд. сўмга етди.

Форум иштирокчилари мамлакатимиз иқтисодий, сарможий ва молиявий соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар, хусусийлаштириш жараёни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга

қаратилаётган эътибор, «Навой» эркин индустриал-иқтисодий, «Жиззах» ва «Ангрен» махсус индустриал зоналаридаги имтиёз ва преференциялар, хорижий давлатларнинг мамлакатимизда муваффақиятли иш юритаётган компаниялари фаолияти билан атрофича таништирилди.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистонда барча соҳалар қатори банк молия йўналишида ҳам барқарор ўсиш суръатларига эришилаётганини, чунончи, «Moody's», «Standard & Poor's» ва «Fitch Ratings» халқаро рейтинг агентликлари Ўзбекистон банк тизими фаолиятини «барқарор» деб тасдиқлаётганини қайд этди.

Форум дастуридан мамлакатимиз ва ўнлаб хорижий давлатларнинг етакчи суғурта компаниялари вакилларининг маъруза ва тақдиротлари ўрин олди. Шунингдек, «Олтин соябон» жамоатчилик мукофоти ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими ўтказилди. Унга кўра, «Ўзбекивест» ЭИМСК «Йилнинг энг яхши суғурта компанияси», деб эътироф этилди. «Қишлоқ жойларда суғуртани тарғиб қилганлиги учун» «Ўзагроосуғурта» ДАСК рағбатлантирилди.

Гулшан ЮСУПОВА.

Бу ҳақда компаниянинг **Стратегик ривожлантириш ва маркетинг бошқармаси бошлиғи Рустам Райимжонов** сўзлаб берди:

– Корпоратив бошқарув тизимидаги тамойиллар ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш ҳар бир тармоқ учун ўта муҳим вазифа саналади. Айниқса, тизимни АКТ асосида ислоҳ қилиш ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бозорининг тараққий этишига замин яратиши билан аҳамиятлидир.

2013 йилнинг декабрь ойида ишга туширилган «Kafolat-online» автоматлаштирилган маълумотлар тизими айна кунда соҳа фаолияти ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Ушбу тизим илғор интернет технологиялари асосида ишлаб, у компаниянинг суғурта ва молиявий фаолияти, кадрлар сиёсати ва иш юритиш тартиби бўйича барча ахборотларни ягона маълумотлар базасида жамлайди. Суғурта хизматлари, тузилаётган суғурта шартномаларининг барча хусусиятлари ҳамда элементлари қайд этилган ушбу марказлаштирилган ягона маълумотлар базаси, ўз навбатида, тезкор маълумотларнинг юқори даражада аниқлигини, ҳисоботларнинг тезкор ва бехато тайёрланишини, бошқарув амалиётида зарур бўлган таҳлилларни қисқа вақт ичида тайёрлаш имкониятини бермоқда. Бундан

«Kafolat» ДАСК: корпоратив бошқарувнинг янги ёндашувлари

«Kafolat» ДАСК АЖ томонидан бизнесни бошқаришни такомиллаштириш ҳамда автоматлаштириш, илғор ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) негизда суғурта хизматларини тақдим этишни шакллантириш мақсадида ахборот-техникавий инфратузилма яратилмоқда.

ташқари, ушбу тизим орқали миждозлар барча суғурта хизматларини интернет орқали сотиб олишга муваффақ бўлмоқда.

Шунингдек, компания халқаро стандартларга жавоб берадиган ISO 9001:2008 талабларига биноан сифат менежменти тизимини жорий этиш борасида ҳам кенг кўламли иш олиб бормоқда. Бу эндиликда кўрсатилаётган суғурта хизматлари сифатини янада ошириш, корпоратив бошқарув жараёнларини тубдан такомиллаштириш, рақобатбардошлигини ошириш, жаҳон бозорини халқаро номга эга бўлиб, чет эл инвесторлари билан ҳамкорликни янада самарали йўлга қўйишга шароит яратади.

Бундан ташқари, суғурта бизнесини тармоқли ривожлантириш йўналишларидан бири сифатида компанияда кўрсатилаётган суғурта хизматларини ҳудудий ривожлантириш мақсадида янги агентлик тармоқларини яратиш, натижада суғурта хизматининг ҳам сифати, ҳам миқдор кўрсаткичлари-

га эришишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2010 йилнинг бошида компаниянинг ҳудудий тармоқлари сони 115 тани ташкил этган бўлса, ҳозирги кунга келиб бу таркибий тузилма 170 тага етказилди. Агентлик тармоқларининг сўнгги беш йилда 50 тага кўпайиши йиғилаётган суғурта мукофотларининг 3,6 баробарга ошишини таъминлади.

Суғурта жараёнларини бошқаришда мажбурий ва ихтиёрий суғурта хизматларининг интеграллашуви йиғилаётган суғурта мукофотлари тушумини ошириш билан бир қаторда мажбурий суғурта турлари билан қоплаб олинмаган суғурта ҳимоясининг ихтиёрий суғурта шартномалари орқали тўлдирилишини таъминламоқда. Жумладан, транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурталанганлиги боис суғурта ҳодисалари юзага келганда фақат жабрланган шахсларга суғурта тўловлари амалга оширилиши, ҳайдовчи ва унинг транспорт воситасига етказилган зарарлар-

нинг қопланмаслиги эса, миждозлар орасида кўплаб тушунмовчиликларни келтириб чиқарди. Бу борада компания ушбу суғурта турини янада такомиллаштириш мақсадида транспорт воситалари ҳайдовчиларини бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш, автотранспорт воситаларига ўрнатилган газ ускуналарини суғурталаш ва комплекс автотранспорт суғуртаси каби янги суғурта турларини ишлаб чиқиб, бахтсиз ҳодиса натижасида юзага келган зарарларни ҳам ихтиёрий, ҳам мажбурий суғурта турлари доирасида тўлақонли қоплаш имкониятини яратди.

Президентимиз таъкидлаганидек, инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохотлар ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Шундан келиб чиқиб, «Kafolat» ДАСКда корпоратив бошқарувининг бир бўлаги сифатида ҳар йили ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқиладиган давлат дастурларида ўзининг муҳим мавқеига эга бўлиш ва уни таркибий тузилмалар кесимида

амалиётга жорий этишга алоҳида эътибор қаратилади. Чунончи, 2014 йилда «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида «Болажон», «Саломатлик», «Оилавий» суғурта маҳсулотларини амалиётга киритилган бўлса, жорийнинг 1 январидан «Нуроний» ва «Файзли хонадон» суғурта турлари кекса ёшдаги фуқароларимизга икки баробарга арзон, томонларнинг манфаатларига тўлиқ мос келувчи шартлар асосида жорий этилди.

Айни пайтда «Kafolat» ДАСК тизимидаги 70 га яқин ҳудудий бўлинмаларда 400 дан ортиқ штат ходимлари ва миждоз ортиқ суғурта агентлари фаолият юритади. Улар томонидан кўрсатилаётган суғурта хизматларини назорат қилишда жорий этилган «on-line бошқарув» тизими олинаётган йирик мажбуриятларни ўз вақтида қайта суғуртага бериш, аввалги суғурта шартномаларини янгилаш, суғурта хизматларини доимий диверсификациялаш, шунингдек, ҳудудий ривожланишнинг аниқ таҳлилини юритиш каби йўналишлардаги бошқарув стратегияларини ишлаб чиқиш, хусусан, ҳар бир бўлинма, ходим ва суғурта агентининг фойдали иш коэффициентини аниқлашда асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Наргиз АХМЕДОВА
тайёрлади.

ТАНЛИЛ

Ўзбекистон суғурта бозори: 2015 йил I чораги яқунлари

Суғурта компаниялари сони

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маълумотларига биноан, 2015 йил 6 апрель ҳолатига кўра, Ўзбекистонда суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи амалдаги лицензиялари реестрига 33 та компания киритилган.



Ялпи устав капитали

Ялпи устав капитали 372,1 млрд. сўмни ташкил этди ва 2014 йил биринчи чорагидаги кўрсаткич билан солиштирганда 27,7 фоизга ўсди.

Суғурта мажбуриятлари

2015 йил биринчи чораги яқунларига кўра, суғурта мажбуриятлари ҳажми 242 034,5 млрд. сўмни ташкил этди ва 2014 йилнинг шу давридаги кўрсаткич билан солиштирганда 57,5 фоизга ўсди. Мажбуриятларнинг асосий қисмини ихтиёрий суғурталашга доир мажбуриятлар ташкил этади, барча мажбуриятларнинг 81,3 фоизи уларнинг улушига тўғри келади.

Суғурта мукофотлари

Суғурта мукофотлари ҳажми 134,7 млрд. сўмни ташкил этди, бу 2014 йил январь-март ойларидаги мукофотлар ҳажми (110,6 млрд. сўм) билан солиштирганда 24,1 млрд. сўм ёки 21,7 фоизга кўпдир.

2015 йил январь-март ойларининг яқунларига кўра, ихтиёрий суғурталаш бўйича мукофотлар суғурта мукофотларининг умумий ҳажмида 66,1 фоизни ташкил этади, қолган 33,9 фоизи мажбурий мукофотлар улушига тўғри келади.

Суғурта тўловлари

Суғурта тўловлари ҳажми 31,3 млрд. сўмни ташкил этди ва 2014 йилнинг биринчи чорагидаги ҳажм билан солиштирганда 2,1 баравар ўсди. Ўсиш мажбурий суғурталаш (4,5 млрд. сўм ёки 76,9 фоиз) ҳамда ихтиёрий суғурталаш (12,2 млрд. сўм ёки 2,4 баравар) ҳисобига юз берди.

2015 йил январь-март ойларида ихтиёрий суғурталаш бўйича тўловлар улуши 67,2 фоизни ташкил этди, бу 2014 йилнинг шу давридаги кўрсаткичдан 7,0 фоизли банд юқоридир. Ўз навбатида, мажбурий суғурта бўйича тўловлар улуши 32,8 фоизгача пасайди (ўтган йили 39,8 фоиз эди).

2015 йил биринчи чорагидаги суғурта тўловлари ҳажмининг суғурта мукофотлари ҳажмига нисбати 17,0 фоизни ташкил этди.

Инвестициялар

2015 йил биринчи чораги яқунларига кўра, суғурта компанияларининг инвестициялари ҳажми 649,2 млрд. сўмни ташкил этди, бу ўтган йилдаги ҳажмдан 11,4 фоизга кўпдир. Инвестицияларнинг асосий қисмини омонатлар (47,1 фоиз) ва қимматли қоғозларга инвестициялар (39,8 фоиз) ташкил этади.

Ташкилотлар бўйича суғурта мукофотлари ва тўловлари

Суғурта мукофотлари ҳажми бўйича дастлабки учта сатрни «Ўзагросуғурта» ДАСК (мукофотлар умумий ҳажмида компания улуши 20,5 фоизни ташкил этади), «Ўзбекинвест» ЭИМСК (11,2 фоиз) ва «Alfa Invest» МЧЖ СТ (9,9 фоиз) эгаллайди. 2015 йил январь-март ойларида 10 та йирик суғурта компанияси суғурта мукофотлари ҳажми 104,4 млрд. сўмни ташкил этди (10 та компания улуши – умумий ҳажмнинг 77,5 фоизи).

Суғурта тўловлари ҳажми бўйича ҳам «Ўзагросуғурта» ДАСК етакчилик қилади, унинг улуши республика бўйича суғурта тўловлари умумий ҳажмида 25,4 фоизни ташкил этади. Ундан кейинги ўринни «Agro Invest Sug'urta» АЖ (тўловлар ҳажми 5,6 млрд. сўмни ёки умумий ҳажмга нисбатан 18,0 фоизни ташкил этди) ва ХЖШ «O'zbekinvest Hayot» ШСК (3,7 млрд. сўм ёки 11,7 фоиз) эгаллайди. 10 та йирик суғурта компаниясининг суғурта тўловлари улуши умумий ҳажмининг 89,9 фоизини ташкил этди.

Суғурта мажбуриятлари ҳажми динамикаси

1-жадвал.

	2014 йил январь-март			2015 йил январь-март		
	млрд. сўмда	яқунига кўра фоизда	2013 й. январь-мартга кўра фоизда	млрд. сўмда	яқунига кўра фоизда	2014 й. январь-мартга кўра фоизда
Суғурта мажбуриятлари, жами	153 705,0	100,0	115,9	242 034,5	100,0	157,5
Ихтиёрий суғурта	116 503,7	75,8	111,3	196 831,1	81,3	168,9
Мажбурий суғурта	37 201,3	24,2	132,8	45 203,4	18,7	121,5

2-жадвал.

Ўзбекистон суғурта компаниялари суғурта мукофотлари ҳажми динамикаси

	2014 йил январь-март			2015 йил январь-март		
	млрд. сўмда	яқунига кўра фоизда	2013 й. январь-мартга кўра фоизда	млрд. сўмда	яқунига кўра фоизда	2014 й. январь-мартга кўра фоизда
Суғурта мукофотлари, жами	110,6	100,0	123,6	134,7	100,0	121,7
Ихтиёрий суғурта	75,0	67,7	116,7	89,0	66,1	118,8
Мажбурий суғурта	35,7	32,3	141,3	45,6	33,9	127,9

3-жадвал.

Ўзбекистон суғурта компаниялари суғурта тўловлари ҳажми динамикаси

	2014 йил январь-март			2015 йил январь-март		
	млрд. сўмда	яқунига кўра фоизда	2013 й. январь-мартга кўра фоизда	млрд. сўмда	яқунига кўра фоизда	2014 й. январь-мартга кўра фоизда
Суғурта тўловлари, жами	14,6	100,0	107,4	31,3	100,0	214,8
Ихтиёрий суғурта	8,8	60,2	105,4	21,0	67,2	239,9
Мажбурий суғурта	5,8	39,8	110,7	10,3	32,8	176,9

4-жадвал.

2015 йил январь-март ойларида суғурта компаниялари инвестициялари таркиби, млн. сўмда

	2014 йил январь-март	2015 йил январь-март	Ўсиш, фоизда
Инвестициялар, ш.ж.	582 890,2	649 178,5	111,4
Депозитлар (омонатлар)	283 781,1	305 772,6	107,7
Қимматли қоғозлар	233 773,3	258 287,6	110,5
Қарзлар	5 748,7	7 265,3	126,4
Кўчмас мулк	23 632,1	30 357,1	128,5
Корхоналар устав фондида иштирок этиш	31 888,4	45 126,1	141,5
Бошқалар	4 066,7	2 369,8	58,3

5-жадвал.

2015 йил биринчи чораги яқунларига кўра суғурта компаниялари кесимида суғурта хизматлари бозори ҳақидаги маълумотлар

Т/р	Суғурта ташкилоти номи	Суғурта мукофотлари			Суғурта тўловлари		
		млн. сўмда	2014 йил январь-мартга кўра фоизда	яқунига кўра фоизда	млн. сўмда	2014 йил январь-мартга кўра фоизда	яқунига кўра фоизда
1	«Ўзагросуғурта» ДАСК (АЖ)	27 676,8	130,3	20,5	7 935,2	218,4	25,4
2	«Ўзбекинвест» ЭИМСК	15 079,2	121,4	11,2	2 946,0	103,5	9,4
3	«Alfa Invest» МЧЖ СТ	13 301,0	101,1	9,9	931,8	198,4	3,0
4	«Кафолат» ДАСК (АЖ)	12 074,9	128,0	9,0	2 982,9	219,7	9,5
5	«Alskom» СК АЖ	8 417,7	162,4	6,2	553,3	107,4	1,8
6	«Kapital Sug'urta» АЖ	6 699,5	102,1	5,0	1 250,1	117,1	4,0
7	«Инго-Ўзбекистон» САЖ	5 657,5	98,8	4,2	743,1	129,4	2,4
8	«Agro Invest Sug'urta» АЖ	5 409,2	436,9	4,0	5 640,0	1 512,8	18,0
9	«UVT Inshurans» МЧЖ СТ	5 286,7	101,9	3,9	255,2	-	0,8
10	ХЖШ «O'zbekinvest Hayot» ШСК	4 798,1	153,9	3,6	3 666,0	215,3	11,7
11	«Asia Inshurans» МЧЖ СК	4 546,8	52,4	3,4	1 078,4	266,0	3,4
12	«Temiryo'l-Sug'urta» СК МЧЖ ҚҚ	4 185,1	138,1	3,1	65,8	59,8	0,2
13	«Xalq Sug'urta» МЧЖ СК	2 809,0	171,9	2,1	287,6	84,3	0,9
14	«Universal-Sug'urta» АЖ	1 961,9	103,6	1,5	166,0	90,1	0,5
15	«Gross Insurance» МЧЖ	1 904,5	121,3	1,4	229,3	342,5	0,7
16	«Temiryo'l Life» МЧЖ	1 730,8	-	1,3	939,7	-	3,0
17	«Euroasia Insurance» СК МЧЖ ҚҚ	1 673,7	119,0	1,2	43,7	307,1	0,1
18	«IshONCh» ХСК МЧЖ	1 419,1	103,8	1,1	338,2	97,8	1,1
19	«Hamkor Sug'urta» МЧЖ	1 269,4	271,5	0,9	86,6	1 877,2	0,3
20	«Kafil sug'urta» МЧЖ	1 187,2	153,5	0,9	107,3	1 487,8	0,3
21	«Mega Invest Insurance» СК МЧЖ	1 102,3	134,9	0,8	11,2	13,8	0,0
22	«Garant Insurance Group» ШСК	983,8	90,2	0,7	34,9	604,2	0,1
23	«Silk Road Insurance» СК АЖ	806,8	118,7	0,6	202,3	349,0	0,6
24	«Sug'urta O'z» МЧЖ СК	801,9	94,4	0,6	67,3	191,1	0,2
25	«DD-General Insurance» МЧЖ	746,5	114,8	0,6	109,2	129,4	0,3
26	«Global Insurance Group» МЧЖ СТ	702,8	97,7	0,5	11,7	172,4	0,0
27	«Unipolis» МЧЖ	680,8	300,1	0,5	3,2	5,8	0,0
28	«Alfa Life» ШХБ СТ	673,5	140,0	0,5	569,5	475,3	1,8
29	«Asko-Vostok» МЧЖ	665,3	89,8	0,5	7,4	40,6	0,0
30	«Мадад» ОАЖ	436,5	148,6	0,3	-	-	-
31	«Chartist Uzbekistan» СК МЧЖ ҚҚ	-	-	-	-	-	-
	Жами:	134 688,5	121,7	100,0	31 262,8	215,4	100,0


STATISTIKA

Лизинг берувчилар, лизинг битимлари ҳамда 2015 йилнинг I чорагидаги лизинг портфели ҳақида маълумот


Ўзбекистон Республикаси лизинг берувчилари рўйхати (2015 йилнинг 1 апрель ҳолатига)

1	«Ўзмелиомашлизинг» ДЛК	31	«Partner Business Leasing» МЧЖ	61	«Intermed Leasing» МЧЖ
2	«Ўзавтосаноатлизинг» МЧЖ ЛК	32	«Hamkor Invest Lizing» МЧЖ	62	UNIEQ finance leasing
3	«Ўзқишлоқмашлизинг» АЖ	33	«Trast Leasing» МЧЖ	63	«Premier Leasing» МЧЖ
4	«Курилиш-Лизинг» АЖ ЛК	34	Taiba Leasing LLC	64	«Умида&Элизавета» ЛК
5	«Курилишмашлизинг» АЖ РСЛК	35	«O'ZTRANSLIZING» УК	65	«Gratis Leasing» МЧЖ
6	«Асака-Транс-Лизинг» МЧЖ ЛК	36	«Global Invest Leasing» МЧЖ	66	ТИФ Миллий банки
7	«Аллианс Лизинг» АЖ СА	37	Absolut leasing	67	«Асака» ДАТБ
8	«DELTA LEASING» МЧЖ	38	Inter Leasing	68	«Агробанк» АТБ
9	«Ўзбеклизинг Интернейшенл» АЖ ҚК	39	CATG Leasing	69	ДТ Халқ банки
10	«BUSINESS LEASING» МЧЖ ХК	40	West techno leasing	70	«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ
11	«ЎЭМЕД-лизинг» АЖ	41	«Barqaror leasing» МЧЖ	71	«Ипотека-банк» АТИБ
12	«SIFCO international» МЧЖ ҚК	42	«Optima Invest» МЧЖ	72	«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ
13	«China Leasing Group» МЧЖ ҚК	43	«Optima Leasing» МЧЖ	73	«Микрокредитбанк» АТБ
14	«Пахта-лизинг» АЖ	44	«Start Leasing» МЧЖ	74	«Капиталбанк» АТБ
15	«BDS Leasing» МЧЖ ҚК	45	«Med Lizing» МЧЖ	75	«Uzbekistan-Turkish Bank» АЖ
16	«FLC leasing» МЧЖ	46	«Universal Invest Leasing» МЧЖ	76	ЧЭКИ «Савдогар» АТБ
17	«Asia Leasing Group» МЧЖ	47	UFS Leasing (Universal financial services)	77	ЧЭКИ «Хамкорбанк» АТБ
18	«FERON LEASING» МЧЖ	48	Premium leasing	78	«Ипак йўли» АИТБ
19	«Барака» АЖ УЛК	49	Ideal Invest Lizing	79	«Туронбанк» АТБ
20	«Elita Leasing» МЧЖ	50	Ideal Kapital Invest	80	«Равнақ-банк» ХАТБ
21	«Galaxy Leasing» МЧЖ	51	Orient Leasing	81	«Давр-банк» ХАТБ
22	«InFinLeasing» МЧЖ	52	«Nanolizing» МЧЖ	82	«ҚДБ Банк Ўзбекистон» АЖ
23	«Ўзкейсгапролизинг» МЧЖ ҚК	53	«Consult Invest Leasing» МЧЖ	83	«Invest Finance Bank» ХАТБ
24	«Orient finance business» МЧЖ	54	«Energotejash Leasing» МЧЖ	84	«Orient Finans» ХАТБ
25	«Artum Leasing Group» МЧЖ	55	«Agro Invest Leasing»	85	АТ «Алоқабанк»
26	«Artum Finance Leasing» ХТ	56	«Sino-Urgench»	86	«Трастбанк» ХАББ
27	«Tash Avto Ijara» МЧЖ	57	«UNITED INDUSTRIAL EQUIPMENT»	87	«Asia Alliance bank» АТБ
28	«Expert Leasing Group» МЧЖ	58	«ELINA-OLGA BIZNES»	88	«Hi-Tech Bank» ХАТБ
29	«Hamkormazlizing» МЧЖ	59	«LINA-RUSTAM BIZNES»	89	«Туркистон» ХАТБ
30	«Hamkor And Lizing» МЧЖ	60	«Ўзавтосаноаттранс» МЧЖ	90	«Универсалбанк» ХАТБ


Лизинг берувчилар сони, донада




Жами амалга оширилган битимлар, донада




Лизинг битимлари бўйича ажратилган жами маблағлар, млрд. сўмда



Лизинг портфели, донада



Лизинг портфели*, млрд. сўмда



* — ТИФ Миллий банки томонидан 2013 йилда 2 та самолёт учун ажратилган лизингдан ташқари

Ахборот ва статистика бўлими томонидан Молия вазирлигининг (www.mf.uz) сайти материаллари асосида тайёрланди.

Журналистлар Давлат бюджетининг Ҳазначилик ижроси билан танишди

«Пойтахт» бизнес марказида оммавий ахборот воситалари учун «Давлат бюджети ижросининг Ҳазначилик тизими» мавзуда семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистонда бюджет тизimini ислоҳ қилиш» қўшма лойиҳаси доирасида ташкил этилиб, унда матбуот ва ахборот агентликлари, теле-радио ҳамда интернет сайтлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилиги ўз ҳудудий бўлинмалари билан ҳамкорликда Давлат бюджетининг Ҳазна ижросини амалга оширувчи махсус ваколатли молия органи ҳисобланади. Айнан Ҳазначилик Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга ошириб, Ягона Ҳазна ҳисобварағидаги бюджет маблағларини бошқаради. Мазкур вазифалар эса, «Ҳазнанинг ягоналик» тамойили, яъни бюджет маблағларининг ягона ҳисобварағига келиб тушиши, сақланиши ва Давлат бюджетининг барча харажатлари ушбу ҳисобварақдан тўланишини ифодалайди.

Мамлакатимизда давлат молияси тубдан ислоҳ қилиниб, ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаларига таянилган ҳолда Давлат бюджети-

ни ижро этишнинг янги Ҳазначилик тизими яратилди. Ушбу тизимнинг жорий этилиши натижасида республикамизнинг барча вилоят ва туман марказларига оптик толалар кабеллари ётқизилиши тезлаштирилди.

Бир нечта сессия асосида ўтказилган ушбу семинар-тренинг доирасида янги жорий қилинган Ўзбекистон Республикаси Ҳазначилигининг тушунчаси, тузилмаси, роли ва вазифаларига чуқур таъриф берилди. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ҳам даромад, ҳам харажат қисмини ижро этиш, Ҳазна тизимининг меъёрий-ҳуқуқий базаси, шунингдек, ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилди.

— Аслида бюджет соҳасига оид мавзулар, хусусан, Давлат бюджети ижросининг Ҳазначилик тизими масалаларини муҳокама этиш молия, иқтисодиёт соҳаси мутахассислари ёки бюджет ташкилоти амалиётчиларининг иштирок этишини назарда тутганида, — дейди **БМТ Тараққиёт дастурининг лойиҳа менежери Файзулла Салаҳуддинов**. — Бироқ, ушбу тадбирнинг айнан тўртинчи ҳокимият вакиллари учун ташкил эти-



лиши келажакда ОАВ ходимлари томонидан мамлакат иқтисодиёти ва бюджет сиёсатидаги ислохотларни омма эътиборига кенг ва тушунарли тарзда етказиб бериш мақсади кўзда тутилган. Шу боис, мазкур семинар дастурини ишлаб чиқишда Давлат бюджети ижросининг Ҳазначилик тизimini кенг қамраб олишга ҳаракат қилдик. Бу журналистларнинг ушбу йўналишдаги билим ва кўникмаларини оширишга хизмат қилишига ишонамиз.

Савол-жавобларга бағишланган сессия журналистларда катта қизиқиш уйғотди. Тадбир сўнггида эса, иштирокчиларга махсус сертификатлар топширилди.

Маълумот. «Ўзбекистонда бюджет тизimini ислоҳ қилиш» (BSRP) лойиҳаси БМТ Тараққиёт дастури ва

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг қўшма лойиҳаси бўлиб, унда бюджет тизimini бошқариш самарадорлиги, ҳисобдорлиги ҳамда шаффофлигини оширишга қаратилган ислохотлар ижросини мустақамлашга эътибор қаратилган. Бу борда лойиҳа томонидан юқори самарадорликка йўналтирилган ўртача муддатли бюджет стратегияси ва бюджетлаштириш методологиясини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, давлат харидларининг самарали ва очиқ-ошкоралик тизimini таъминлаш учун ҳуқуқий-маъёрий ҳамда тартибга солувчи базани яхшилаш, шунингдек, ислохотларни ўтказиш учун давлат хизматчиларининг салоҳиятини юксалтиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Назира МАВЛОНОВА.

Истеъмолчи ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш — асосий мақсад

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 сентябрдаги «Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш тўғрисида»ги 203-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси томонидан Миллий матбуот марказида «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ўрни ва роли» мавзусида анжуман ўтказилди.

Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси мамлакатимизда аҳоли (истеъмолчилар) ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, шунингдек, аҳолининг истеъмол маданиятини ошириш борасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораётган ягона жамоатчилик институти ҳисобланади. Федерация 14 та ҳудудий бирлашма, 193 та туман (шаҳар) жамиятларидан ташкил топган.

ра суҳбати ўтказилган бўлса, Федерация ва унинг ҳудудий тузилмаларига истеъмолчилардан жами 1 956 та шикоят ва аризалар келиб тушган, — дейди **Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси матбуот ва ахборот бўлими бошлиғи Умида Мансурова**. — Мазкур муурожаатларнинг 1 721 таси (88,5 фоизи) ижобий ҳал этилиб, истеъмолчилар фойдасига 536 млн.

унинг қуйи тузилмаларининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ҳамда фаолият самарадорлигини ошириш борасида яқин ҳамкорлик алоқаларини кенг йўлга қўйиш, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш асосий вазифа этиб белгиланди.

Ҳозирги кунда «Давархитектурилиш» кўмитаси билан ҳамкорликда 2015 йилга мўлжалланган аҳоли ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларини кенг тарғиб этиш, одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи, сифати паст қурилиш материаллари сотилишига йўл қўймаслик борасида мониторинг-кузатув ва тарғибот ишлари режаси ижроси таъминланмоқда.

Федерация томонидан ёшларнинг ҳуқуқий билим олишига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ЁИХ билан ҳамкорликда соҳага оид меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини ёшларга етказиш мақсадида корхона-ташкилот, маҳаллалар ва ўқув муассасаларида ўқув-семинарлар, давра суҳбатлари, қизиқарли учрашувлар, юзма-юз мулоқотлар ташкил этилмоқда.

Ҳар бир соҳага ахборот-коммуникация технологиялари жадаллик билан кириб бораётган бир пайтда, Федерацияда ҳам бу йўналишдаги ишлар замон талаблари даражасида ташкил этилган. Хусусан, ташкилот янгиланган www.potreb.uz, www.istemol.uz веб-сайтлари орқали юртимиз аҳолисининг турли талаб ва тақлифларига эътибор қаратиб келмоқда.

Рашид МИРЗАКАРИМОВ.

Фотосуратларда ҳамкорлик самаралари

Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ҳамкорлигига бағишланган фотокўргазма очилди.

Кўргазма мамлакатимизда ўтказилаётган Европа кунлари доирасида Ўзбекистон Бадий академияси ва Европа Иттифоқи делегацияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистон Бадий академияси раиси Акмал Нуриддинов, Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикасидаги делегацияси раҳбари, элчи Юрий Штерк ва бошқалар Ўзбекистон ҳамда Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик турли соҳаларда изчил ривожланаётганини таъкидлади. Бундай тадбирларнинг ўтказилиши ҳамжиҳатлик ва дўстлик муносабатларини, шунингдек, мамлакатимиз ва Европа Иттифоқи давлатлари ўртасида маданий ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

— Ушбу фотокўргазма Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг Ўзбекистон билан ўзаро муносабатларида имкониятлар кенгайиб бораётганидан далолатдир, — деди элчи **Ю.Штерк**. — Ҳамкорлигимиз кўплаб йўналишларни қамраб олмоқда.

Намойиш этилаётган фотосуратларда Европа Иттифоқи томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида салмоқли ютуқларга эришаётган юртдошларимиз, инклюзив таълим туфайли ўз қобилиятини ривожлантираётган болалар, олий таълим тизимини модернизация қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича «Tempus» дастурида иштирок этаётган талабалар, Европа мамлакатларида малака ошириб қайтган тадбиркорларимиз акс эттирилган.

Барча фотосуратларга қисқача маълумотлар илова қилинган бўлиб, муаллиф Муҳиддин Алининг сўзларига кўра, суратлар жорий йилнинг апрель-май ойларида Тошкент, Самарқанд ва Урганч шаҳарларида олинган.



Маҳсулот тури, иш ўрни кўпаяди

Бухоро шаҳридаги «Uz-Korea medical» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасида тиббиётда ишлатилган бир марталик шприцлар, система ва игналар, турли ўлчамдаги болалар тагликлари ишлаб чиқарилмоқда.

Айни пайтда бу ерда 45 киши доимий иш билан таъминланган. Корхона раҳбари Матлуба Мирзаеванинг айтишича, жорий йил охирига қадар маҳсулот турини янада кўпайтириш ва янги иш ўринлари яратиш мўлжалланмоқда.



ЎЗА материаллари асосида.



Ташкилот Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга жамоатчиликни кенг жалб этиш, ички истеъмол бозорида сифат жиҳатдан талабга жавоб бермайдиган, одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи маҳсулотлар сотилишига йўл қўймаслик устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳолининг истеъмол маданиятини оширишни ўз олдига мақсадли вазифа қилиб қўйган.

— Аҳоли ўртасида амалдаги қонун ҳужжатларини кенг тарғиб қилиш юзасидан 2015 йил 1 чорагининг ўзида Федерация ва унинг ҳудудий бирлашмалари ҳамда туман жамиятлари томонидан 403 та ўқув-семинари, 1 576 та дав-

сўмдан зиёдроқ миқдордаги маблағ қайта ҳисоб-китоб қилиб берилди.

Федерация истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини яратишда давлат бошқаруви, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, назорат қилувчи органлар билан ҳамкорликда иш олиб боришга эътибор қаратган. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 1 январдан кучга кирган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан 2015-2016 йилларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Унга кўра, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш, Федерация ва

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

«Norma» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

Акмал НАЗАРОВ

Нашр учун масъул

Анвар АСРОРОВ

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

Газета «Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖнинг компьютер базасида саҳифаланди

АХБОРОТ КўМАГИ

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАА

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100084, Тошкент ш.,

Ғ. Мавлонов кўчаси,

1а-уй, 3-қават.

e-mail: info@banknews.uz

www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун
234-43-18

телефони орқали муурожаат қилинг.

Юридик шахслар учун нашр индекси — 102.

Жисмоний шахслар учун нашр индекси — 377.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади.

Кўлэмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

Буюртма № 2223

Адади: 8658 нусха.

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмда, 3 шартли босма табақда чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 10.06.2015 й., 9.00.